

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-7/3
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Муминова Н.А. Тахаллуслар ва “Темурнома” асаридағи тахаллусларнинг лисоний хусусиятлари	108
Палванова Ш., Бабаджанов Х. Тюркизмы в русском языке	111
Садикова Э.В. Особенности пословиц с личным именем	114
Сайдуллаева Р.И. Некоторые вопросы использования терминов «ономастика» и «антропонимика» в русском языкоznании	117
Саломова Г.А. Тилшуносликда «аббревиатура» термины муаммоси	120
Сапарбоева Л., Эрматова Ж. О сказке “Мальчик-звезда” Оскара Уайльда	125
Сидоркова Л.Р. Исторический комментарий грамматических архаизмов в романе «Дмитрий Донской» С. Бородина	127
Фаттахова А.Р. Творчество Алисы Ганиевой в аспекте литературной критики	130
Хайтов Х.А., Жабборова А.Ш. Адабиётда кулги маданияти ва санъатига муносабатнинг қадимий илдизлари	132
Хайтов Х.А., Темирова М.А. Бадий асарларда лофнинг алоҳида хусусиятлари	134
Хайруллоева Н.Н. Эко-фикшн жанри тараққиёти	137
Хасанова Ю.М. Шарқ ва ғарб эртак жанри намуналарида ахлоқий сифатларнинг мотив сифатида концептуаллашуви	140
Шаймарданова А.Р. Ўзбек тилининг ички тизимости лақуналари	142
Шукuroв О.У. Ўзбек тилида мустақиллик даври ўзлашмаларнинг семантик трансформацияси	145

шикаст етади”, деса ҳам “Бе!” дебди-да, лиммо-лим ўғит ортилган грузавойни ботқоқдан елкалаб, тош йўлга чиқариб қўйибди.

Келин бола таърифида: – Шафоғатойни айтинг... Ким тикилса киприги қайрилиб кетади. Санамараста, оғзи билан бели борми, йўқми биз ҳалигача билмаймиз... Чумчуқча овқат ейди... Сув ичса томогидан, сабзи еса биқинидан кўринади... Шунақаям пазандаки, йўқ ердан бунёд қилади. Сувдан ҳолвайтар, тарик ёрмасидан палов пиширади, барака топгур.

Ростини айтганда, Эралижон 30 ёшдаги чўтири йигит, Шафоғат бўлса – бир кўзига оқ тушган, ёшлигига сандалда бир ёнбоши куйган қари киз.[7]

Адибнинг “Хасис” ҳикоясида Замира-тоқининг характер-хусусиятларини бўрттириб тасвирилаш мақсадида лоффдан фойдаланилган. Бунга кўра, Замира-тоқининг қабзият бўлганда эмчи кампирга бориши, у эса “қатиқ ичинг, болам” деган экан. Шунда бир стаканда қатиқ олинган эди. Шу қатиқ ачиб кетган бўлса-да, ҳали ҳам бор экан. Чунки Замира тоқи стаканнинг сиртидан ялаб юрган.[8]

Ҳулоса килиб айтганда, Faфур Fулом лоффлардан ўз асарларида фикрни қучайтириб ифодалаш, муболага санъатини яратиш учун фойдаланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Лоф / Ўзбекхалқоғзаки поэтик ижоди. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 216-226.
2. Faфур Fулом. Xалқ ижоди бойлигидан. // Танланган асарлар. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.339.
3. Faфур Fулом. Ёпқичга ямоғлиқ. // Танланган асарлар. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.341.
4. Faфур Fулом. Калта гап икки дўст. // Танланган асарлар. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.340.
5. Faфур Fулом. Дошқозон ва қизилча. // Танланган асарлар. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.339.
6. Faфур Fулом. Xалқ ижоди бойлигидан. // Танланган асарлар. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.338.
7. Faфур Fулом. Xалқ ижоди бойлигидан. // Танланган асарлар. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.339.
8. Faфур Fулом. Хасис. // Танланган асарлар. – Т.: Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.344.

УЎК 821.133.1-312.9

**ЭКО-ФИКШН ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИ
(АМЕРИКА АДАБИЁТИ МИСОЛИДА)**

Н.Н. Хайруллоева, таянч докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Уибӯ мақолада эко-фикшин (табиатшунослик) адабий жанр сифатида ёритилган. Табиат тушунчаси Америка адабиёти мисолида қисқача таҳлил қилинган. Шунингдек, Америка адабиётининг таниқли вакиллари Генри Дэвид Торо ва Ральф Валдо Эмерсон прозаси ҳамда Роберт Фрост поетикасида ифодаланган эко-фикшин жанрига доир белгилар ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: эко-фикшин, табиат, Генри Дэвид Торо, Ральф Валдо Эмерсон, Роберт Фрост, эко-критисизм.

Аннотация. В данной статье рассматривается экопроза как литературный жанр. Кратко анализируется понятие природы на примере американской литературы. Мастерская проза известных деятелей американской литературы, таких как Генри Дэвид Торо и Ральф Вальдо Эмерсон, и поэзия природы Роберта Фроста также отмечены как основной источник, имеющий большое значение для того, чтобы иметь литературные корни жанра эко-фантастики.

Ключевые слова: экофантастика, природа, Генри Дэвид Торо, Ральф Вальдо Эмерсон, Роберт Фрост, экокритика

Abstract. This article describes eco-fiction as a literary genre. The concept of nature is briefly analyzed in the example of American literature. The masterful prose of well-known figures in

American literature, such as Henry David Thoreau and Ralph Valdo Emerson and nature poetry of Robert Frost are also noted out as the main source of high importance for having literary roots of the eco-fiction genre.

Keywords: *eco-fiction, nature, Henry David Thoreau, Ralph Valdo Emerson, Robert Frost, eco-criticism*

Кириш. Табиат ҳақидаги тафаккурни кучайтириш, авваламбор, инсоний ва ноинсоний оламларнинг бўлиннишини енгиб ўтишни талаб қиласди, чунки Кейт Ригби тушунтирганидек, “табиат ва маданият, физика ва техника, ер ва артефакт, бунёдкорлик ва вайронагарчиликнинг муштараклигини қайта тиклаш фақат инсоний такаббурлиқдан четга чиқиш орқалигина эришилади.[3; 152 б.]

Табиатни бадиий тўқима билан бирга тасвирлашга каратилган жанр маъносини билдирувчи “Эко-фикшн” атамаси илмий жихатдан 1970 йилларда пайдо булган булсада, унинг моҳият ва асослари жуда қадимий даврларга бориб тақалади. Одамзотнинг ёзма шаклдаги пиктограмма ва петроглифларнинг яратиши, хамда инсон ва табиатнинг яратилиши тўғрисидаги афсоналарни табиатни кашф қилувчи эко-фикшн жанрининг энг қадимий илдизлари сифатида баҳолаш мумкин.

Мавзунинг долзарблиги. Табиат ҳақидаги ёзувлар қандай пайдо бўлгани ҳақида чалкашликлар мавжуд. Табиат ҳақидаги фантастика, табиатни мадҳ этувчи шеърият, табаиат ҳақидаги драмалар, репортажлар, телеведение ҳужжатли ҳикоялари – буларнинг барчасида ягона умумийлик мавжуд: улар табиатга илмий нуқтай назар билан билдирилган миннатдор эстетик жавоблардир.

Жумладан, швед олим Карл Линней XVIII асрнинг ўрталарида табиат ҳақидаги илмий таснифни ишлаб чиқди. Аммо унгақадар ҳам табиатга оид кўплаб ёзувлар бўлган, аммо илм-фаннинг табиатга нисбаттан мойиллик ва қизикишларни ошириши янгилик эди. [4] Линнейдан аввал ҳам ов ҳақидаги ҳикоялар, эртаклар, кўшиқлар, саёҳатчилар ҳикоялари, ўт-ўланлар ва ҳайвонлар ҳақидаги масаллар мавжудлиги табиатга инсониятнинг мойиллигин кўрсата олади, бироқ уларда табиат одатда фақат икки ўлчовда кўринарди: бу тарихий космоснинг фони ёки диний космоснинг қопламаси эди. Ҳайратланиш ёки нафратланишдан қатъий назар, инсон қиёфаси унинг марказида турарди. Линней ҳатто ҳашаротларга ҳам таъсирчан юонон-лотин номларини бера бошлагандан сўнг, табиат тезда янги мазмунга эга бўлди ва у улкан обьект ва муҳитга айланди. [5,1-5 бб.]

Аммо табиат ҳақидаги ёзувларни романтик кўринишда бўлгани учун, инкор этиш жуда осон. Дастребка тадқиқотларда таъкидланганидек, бу жанрда Евро-Америка анъаналари устунлик қилса-да, у ғоялар ва ёндашувларнинг маданиятларо алмашинувини ўз ичига олади. [1;151 б.] Дон Шессе 1996 йилги “Табиат ёзуви” китобида изоҳда бўлса-да, бу масалага тўхталиб ўтган: “Америка адабиётида пасторал импулс....: Дўгенинг “Тоғлар ва сувлар сутраси(тахминан 1250 йил)” ва Башонинг “Хаику саёҳати” (1689 йил) каби осиёлик муаллифларни “табиат ёзувчилари” сифатида кўриши мумкин. Генри Торо ва Гари Снайдер каби буюк америкалиқ ёзувчилар гарбдан ташқаридаги тафаккурдан кучли таъсирланган. Шарқий ва гарбий, шимолий ва жсанубий ноинсоний дунё билан ўзаро таъсир қилиши усулларининг бирлашишини таҳлил қилиши керак”. [2; 187-190 бб .]

Ҳаёт бадиий асар асоси экан, ундаги эзгулик ва ёвузилик, яхши ва ёмон ўртасида борадиган кураш ёзувчилар томонидан сўз санъати намуналарида маҳорат билан акс эттирилди. Ҳар бир халқнинг ана шу зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар ёритилган ўзига хос ва бетакрор адабиёти борки, Америка адабиёти улар ичида бой ҳамда тақрорланмаслиги билан ажralиб туради. XX аср бошларида эко-критизмнинг гуманистик бурилишидан бери умуман эътиборга олинмаган бўлсада, табиат ҳақидаги ёзувлар адабий экологияни тарбиялашда муҳим рол ўйнашда давом этди. Ушбу адабий жанрда евро-америка анъаналари ҳукмронлик қилди, аммо шунга қарамай, у ғоялар ва фикрларнинг маданиятларо алмашинувини ўз ичига олади. Унинг мавжудлиги Америка эко-фикшн жанри тараққиёти қандай қилиб экологик инқирознинг адабий ва бадиий тасвирларини юзага келтирганини ва ўз навбатида унчалик кўринмас бўлсада, ундан озиқланганлигини уч жихатдан кўрсатади. Биринчидан, Генри Девид Торонинг Америка адабий экологизмига таъсири, айниқса унинг одий ҳаёт фалсафаси ва юксак тафаккури замонавий Америка адабиётида табиатшунослик

анъянасини яратишга ёрдам беради. Иккинчидан, экологик фоялар, фикрлар ва амалиётларни тарбиялашда акс эттирилган экологик хабардорликнинг янги усули вужудга келди. Ниҳоят, инсониятнинг табиий дунё билан муносабатларининг турли қирраларини ўрганишга радикал қизиқиши пайдо бўлди.

Тажриба ва натижалар таҳлили. XIX-XX асрда Америка адабиётида табиат хакидаки асарлар мураккаб ва драматик бўлиши билан бирга, сермаҳсул ва ранг-баранглиги билан ўзгача моҳият касб этади. Бу вактда Генри Девид Торо(Henry David Thoreau), Ралф Валдо Эмерсон (Ralf Waldo Emerson) каби назариётчи адабиётшунослар Америка адабиётида табиат тушунчасини фалсафий томондан шакллантиришда катта ҳисса қўшган. Уларнинг асарлари асосан, табиат тасвири, атроф-муҳит муаммолари ва инсониятнинг табиат, олам билан фалсафий муносабатига бағишлиланган. Г.Д.Торо америкалик табиатшунос, эссеист, шоир ва файласуф сифатида табиат ва фалсафага оид юксак асарлар билан ном қозонган натуралист ёзувчи эди. Торо эко-фикшин адабиётининг илдизларини ташкил килувчи экологик ва энвайренменталистик тарих методларини олдиндан кўра олган. Унинг бадиий услубида табиатни диққат билан кузатиш, шахсий тажриба, аник риторика, рамзий мотифлар ва тарихий билимлар муштараклигини ҳамда поэтик моҳирлик ва фалсафий синчковлик юқорилигини кузатиш мумкин. [6; 86.] Унинг “Вачусетга сайд”, “Кеча ва ой нури”, “Тоғдаги ёруғлик”, “Мейнвудс”, “Масачутсдаги эрта баҳор” ва “Уолден”(“Walden”) каби асарлари табиий муҳитда оддий ҳаёт кечириш ҳақида фикр юритади.

Америкадаги эко-адабиётнинг ўзига хос яна бир вакили Ралф Валдо Эмерсондир. Унинг атроф-муҳит манзаралари тасвириланга “Табиат”(“Nature”) асарида Эмерсон черков ёки динга муҳтоҷ бўлмасдан табиат орқали соғ маънавий даражада боғланиб, мавжуд бўлмаслик жараёни тўғрисида фикр юритади.

Шуниндеқ, замондош носир ижодкорлардан фарқли равишида Роберт Фрост шеърий асарларида Ню-Англияning қишлоқ ҳаётини тасвирилаган, унин қаламига мансуб оддий одамларни кундалик вазиятларда тасвириладиган мисралар америкаликлар турмуш тарзини ижтимоий ва фалсафий маҳорат билан очиб бера олган. Шоирнинг “After Apple-Picking”, “The Oven Bird”, “Stopping by Woods on a Snowy Evening” каби табиат тасвири, атроф-муҳит манзараларини оддий америкалик сўзлашув нутқи орқали тасвировчи ҳажман кичик, маъно жиҳатидан салмоқли поэтик асарлари таҳсинга сазовордир. [7, 110-129 бб]

Бу адиларнинг атроф-муҳит хакидаги карашлари ва ижод намуналари кейинчалик бадиий фантазия хусусиятига эга бўлган эко-фикшин жанри пайдо бўлишига олиб келган. Эко-фикшин жанри адабиётнинг классик, пасторал, афсонавий реализм, хайвонлар ҳақидаги метаморфоза, илмий фантастика каби турли йўналишиларида ўз илдизларини намоён қила олган бўлса-да, ушибу давр ижод намуналарида инсоннинг эко-система билан муносабатлари сезиларли равишида тилга олинмаган. Бу янги жанр Жим Даер(Jim Dwyer) ва Ловренс Бюл (Lawrence Buell) каби эко-критицизм намоёндаларининг эко-фикшин жанри тавсифини келтиргач, 1970 йилдан кейингина анча ривож топди. [9] Профессор Майк Веси (Mike Vasey) “табиий эко-системанинг моҳиятини қамраб олган нореал маконда юз берувчи ҳикоялар” тарзида эко-фикшинни тавсифлайди. [8,2 б]

Хулоса. Бу жанрга кирувчи асарларда инсоний ришиналарнинг табиатга муносабати доирасида рўй бериши ҳикоялардаги табиий дунёни ҳаётйлиги ва жонлилигини таъминлаб бериши ва асарлардаги эко-маконлар тасвирининг иложси борича ҳаётий ва воқеалар кетмакетлиги экологик принциплар доирасида бўлишини таъминлаб бериши керак.

Эко-критицизм ўз табиатига кўра, фанлар ва маданиятларро интеграллашган, яхлит ва эволюцион хусусиятга эга бўлишини эътиборга олинса, бу хусусиятларни адабиётнинг эко-фикшин жанрига тадбиқ этиш максадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Rigby Kate (2012). “Ecocriticism.” Literary and Cultural Criticism at the TwentyFirst Century. Edinburgh: Edinburgh UP, Pp: 151-178.
2. Don Schaeze (1996). «Nature Writing: The Pastoral Impulse in America» (New York: Twayne)
3. Philippon John (2003). “Is American Nature Writing Dead?,” CT: Yale University Press, p395

4. David Rains Wallace (1984). "The nature of nature writing" ,article abstract, The New York Times Archives, July 22, Section 7, Page1-5
5. Gross David, ed. The Price of Freedom: Political Philosophy from Thoreau's Journals. p. 8
6. Contemporary Literary Criticism. (1983) Ed. Jean C. Stine, Bridget Broderick, and Daniel G. Marowski. Vol. 26. Detroit: Gale Research,p 110–129
7. Vasey Mike (1996). Bioregional Studies - Correspondence with Jim Dwyer
8. Dwyer, Jim (2010). Where the Wild Books are: A Field Guide to Ecofiction. University of Nevada p2
9. Xayrulloyeva, N. (2021). The concept of nature in modern american literature.//Центр научных публикаций (buxdu. uz), 8(8).
10. Xayrulloyeva, N. (2021). Eco-Fiction and MA Monroe//Центр научных публикаций (buxdu. uz), 8(8).
11. Xayrulloyeva, N. (2021). Mary Alice Monroe:«Green» novels and achievements//Центр научных публикаций (buxdu. uz), 8(8).

УЎК 81-13

ШАРҚ ВА ҒАРБ ЭРТАК ЖАНРИ НАМУНАЛАРИДА АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИНГ МОТИВ СИФАТИДА КОНЦЕПТУАЛЛАШУВИ

Ю.М.Хасанова, таянч докторант, Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. Мақолада Ғарб ва Шарқ эртаклари орқали ифодаланган миллий колорит, миллий тарих ва миллат анъаналари масалалари ва ахлоқий сифатларнинг мотив сифатида концептуаллашуви таҳлилга қилинган. Ғарб ва Шарқ эртакларида ахлоқий сифатларни мотив сифатида ўз ифодасини топади. Мақолада гарб ва шарқ эртаклари таҳлил қилиниб, ахлоқ мотивининг бадиий концептуаллашувидаги ўрни ошиб берилган .

Калим сўzlари: гарб ва шарқ эртаклари, бадиий концептуаллашив, миллий рух, урфодат, ахлоқ мотиви, персонаж, характер, қаҳрамон

Аннотация. В статье анализируются вопросы национального колорита, национальной истории и национальных традиций, выраженных через западные и восточные сказки, и концептуализации нравственных качеств как мотивов. В западных и восточных сказках его взгляды находят выражение как мотив нравственных качеств. В статье анализируются западные и восточные сказки, и подчеркивается их роль в художественном осмыслении нравственных мотивов.

Ключевые слова: западные и восточные сказки, художественная концептуализация, национальный дух, обычай, нравственный мотив, персонаж, характер, герой

Abstract. The article analyzes the issues of national color, national history and traditions of the nation, expressed through the tales of the West and the East, and the conceptualization of moral qualities as a motive. Because fairy tales help to change the reader's thinking, spirituality, morals. In the tales of the West and the East, his views on the universe and man are expressed in the direction of moral motives. The article analyzes western and eastern fairy tales and emphasizes their role in the artistic conceptualization of moral motives.

Keywords: western and eastern tales, artistic conceptualization, national spirit, custom, moral motive, person, character, hero

Кириш. Эртаклар китобхоннинг ижодкор дунёкараши, ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати, мақсад ва вазифалари, фалсафий ёндашуви адабий образларида ифодаланади. Шу сабабли, санъат ва адабиётдаги инсон образи дастлаб илоҳий кучлар, худолар билан боғланиб кўрсатилган. Қадимги миллий эртак ва достонларимиздаги “Билгамиш”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби қаҳрамонларимиз ҳам илоҳий кучга эга образлардир.

Абдулла Қодирий ҳам ўзининг “Ижод мاشаққати” рисоласида “Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср достон ва ҳикоялари билан озиқланиб келадир” деб таъкидлайди.

Шу билан бирга, ҳалқ педагогикасининг бетакрор ёдгорликлари ҳалқ оғзаки ижоди асарларида миллий маданият ва ўтган авлодлар донишмандлигини ўзида мужассам этади.

Буюк рус педагоги К.Д.Ушинский: "Биринчи тарбиячи - ҳалқ, ҳалқ эртаклари эса ҳалқ педагогикасини яратишнинг биринчи ва ёрқин уринишларидир" деб таъкидлаган.